

100011, O'zbekiston, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 11, tel.: (71) 231-71-61, faks: (71) 231-71-52, e-mail: devonxona@yi.uz
11 Navoi str., Tashkent, Uzbekistan, 100011, tel: (71) 231-71-61, fax: (71) 231-71-52, e-mail: devonxona@yi.uz

№ 04-17/60

« 17 » aprel 20 18 y.

**Иттифоқнинг Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар Кенгашлари
раисларига**

ТЕЛЕФОНОГРАММА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сонли Қарори ҳамда Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши мажлисининг 2017 йил 7 ноябрдаги 3-сонли (01-07/1-1714, 08.11.2017 й.) баёни ижросини таъминлаш мақсадида “Ёш китобхон” Республика танловини ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган.

Танловнинг 2018 йилги босқичини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан Республика ташкилий кўмитаси томонидан танлов Низоми ишлаб чиқилди (1-илова).

Сиздан:

– худудингиздаги ёшлар, айниқса уюлмаган ёшлар ўртасида “Ёш китобхон” республика танлови тарғиботини самарали ташкил этиш;

– танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлардан жорий йилнинг 20 май кунига қадар аризалар (ариза анкета намунаси 2-илова) қабул қилиш ва ёш тоифалари бўйича рўйхатини шакллантириш;

– танловда ариза топширган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 15.00га қадар (3-илова) Марказий Кенгаш аппарати Маънавий-маърифий ва миллатлараро тотувлик масалалари бўлимига тақдим этиб боришингиз сўралади.

Илова _____ варақда.

**Марказий Кенгаш
раиси ўринбосари**



Д.Каттаханова

“Ёш китобхон” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом ёшлар ўртасида “Ёш китобхон” танловини (бундан кейинги ўринларда – “Танлов” деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу танлов бевосита ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

1.3. Танловни юқори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ташкилий-амалий ишлар бўйича, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар этиб белгиланади.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилади.

2.2. Танловни ташкил этиш орқали қуйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

ёшларнинг барча қатламларини китоб ўқишга даъват этиш ҳамда китоб ўқишга бўлган кизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, жойларда адабий муҳит шаклланишига эришиш;

ёшлар оғида Ватанамиз тарихи, миллий ва умуминсоний кадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва билим-қўникмаларини янада юксалтириш;

миллий адабиётимизнинг дурдона асарлари, адибларимиз ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, келажакда ижодкор ёшлар томонидан баъиий етук, юқори савияли асарлар яратилишига эришиш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

3.1. Танловда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистоннинг барча ёшлари, хусусан ўқувчи-талабалар, ишчи-ҳодимлар, ҳарбий хизматчилар, уюшмаган ёшлар ва бошқалар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш вазифаси масъул ташкилотларнинг вакилларидан иборат Ташкилий қўмита зиммасига юклатилади.

Ташкилий қўмита заруратдан келиб чиқиб, танлов низоми ва уни ўтказиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

3.3. Танловда иштирок этишни хоҳловчи ёшлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари ёки маҳаллий Кенгашларига ариза

билан мурожаат қилиб, ўзи ҳақидаги тегишли маълумотлар (танлов анкетаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхалари, ўқиш, иш ёки яшаш жойидан)ни тақдим этади.

3.4. Танловда ёшлар ўзлари яшаётган ёки ўзлари ўқийётган (ишлаётган) муассасаси жойлашган ҳудуддан иштирок этади.

3.5. Танлов қуйидаги учта ёш тоифаси бўйича алоҳида-алоҳида тартибда ўтказилади:

- 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшлар;
- 15 ёшдан 19 ёшгача бўлган ёшлар;
- 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар.

3.6. Танлов тўрт босқичда ташкил этилади.

Биринчи босқич танловнинг аризалар қабул қилиш ва саралаш босқичи бўлиб, унда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлардан аризалар қабул қилинади ва иштирокчилар тест синови асосида сараланади.

Аризалар ҳар йили 15 апрелдан 20 майгача Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Тест синови ҳар йили 20 май - 1 июнь куни оралигида ўтказилади. Унда ариза топширган ёшлар адабиётга ва буюк адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид 50 та тест саволларига жавоб бериб, ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл белгиланади.

Тест натижаларига кўра 86 ва ундан юқори балл тўплаган ёшлар кейинги (иккинчи) босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Иккинчи босқич танловнинг маҳаллий босқичи бўлиб, ҳар йили июнь ойда барча туман (шаҳар)лар миқёсида саралаш босқичида юқори баллни қўлга киритган иштирокчилар ўртасида қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

- “Ўзбек адабиёти билимдони” шarti (20-21 аср адабиёти бўйича);
- “Жаҳон адабиёти билимдони” шarti.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича голибликни қўлга киритган иштирокчилар (жами 3 нафар) ҳудудий босқичга йўлланма олади.

Учинчи босқич танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб, ҳар йили июль-август ойларида қуйидаги 2 та шарт асосида телетанлов шаклида ўтказилади.

- “Ўзбек адабиёти билимдони” (мумтоз адабиёт бўйича) шarti;
- “Буюк мутафаккир ва адиб” шarti (буюк аждодларимиз бўйича).

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича голибликни қўлга киритган 1 нафардан иштирокчилар Республика босқичига йўлланма олади.

Тўртинчи босқич танловнинг Республика босқичи бўлиб, ҳар йили октябрь-декабрь ойи давомида “Ёшлар” телеканали орқали телетанлов шаклида, 4 та шарт асосида ўтказилади.

3.7. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш масъул ташкилотларнинг вакилларидан иборат Ташкилий қўмита зиммасига юклатилади.

3.8. Танловнинг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичлари бўлиб ўтадиган жойи, санаси республика ва ҳудудий Ташкилий қўмиталар томонидан белгиланади ҳамда 10 кун олдин ҳудудий босқичларда голиб бўлган иштирокчиларга маълум қилинади.

3.9. Ҳар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда танлов шартлари бўйича даврлаштирилган ҳолда адиблар ва уларнинг асарлари рўйхатларини шакллантириб боради ҳамда саралаш босқичида фойдаланиш учун тест саволларини тузиб беради.

IV. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

4.1. Танлов куйидаги шартлар асосида ўтказилади:

1-шарт. “Ўзбек адабиёти билимдони”.

Ушбу шартда ўзбек адабиётига оид китоблардан парча ўқилади ва иштирокчидан асарни топиш ҳамда мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамияти тўғрисида гапириб бериш сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар китобдан парчани билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 2 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

2-шарт. “Жаҳон адабиёти билимдони”.

Ушбу шартда Республика ташкилий қўмитаси томонидан тавсия этилган жаҳон адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамияти тўғрисида иштирокчилар шарҳлаб бериши сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар китоб номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

3-шарт. “Буюк мутафаккир ва адиб”.

Ушбу шартда Республика ташкилий қўмитаси томонидан тавсия этилган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улугбек, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий сингари улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари ҳақида маълумот беришлари сўралади, иштирокчи билимини текшириш мақсадида ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар улуғ алломалар ёки ўзбек адабиёти намоёндалари номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 2 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

4-шарт. “Шеърнат”.

Ушбу шартда иштирокчилар Республика ташкилий қўмитаси томонидан тавсия этилган шеъринг парча давом эттириши ҳамда мазмун-моҳиятини шарҳлаб бериши сўралади.

Иштирокчиларга тайёргарлик кўриш учун 2 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

4.2. Танловлар жараёнида фойдаланиладиган саволлар ва тестлар мажмуаси Республика ташкилий қўмитаси томонидан танловнинг барча босқичлари учун алоҳида-алоҳида тузилади. махсус конвертларга солиниб, муҳрланади ҳамда жойларга етказилади.

4.3. Танловнинг ҳудудий ва республика босқичларида юқоридаги шартлар мавзуси сақланган ҳолда, шартлар мазмуни ва тартиби телетанловга мослаштирилган шаклда ўтказилиши мумкин.

Танлов шартларидаги ўзгаришлар бўйича иштирокчилар беллашувдан камида 3 кун олдин хабардор қилинади.

4.4. Танловнинг ҳар бир босқичида шоир-ёзувчилар, ўқитувчилар, журналистлар ва бошқа мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъатлари тузилади.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганлигини текширади ҳамда моҳиятини тўғри тушунгани ва ифода этиб бера олиш қобилиятига қараб баҳолайди.

4.5. Танлов ўтадиган кундан камида бир ой олдин белгиланган китоблар рўйхати эълон қилинади ҳамда китоблар рўйхатини тузишда иштирокчиларнинг ёш тоифаси инобатга олинади.

4.6. Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда, энг юқори кўрсаткичга эришган иштирокчи танловнинг ғолиби деб топилади. Агар иштирокчилар ўртасида умумий тўпланган баллар тенг келиб қолган тақдирда, I, II ва III ўринларни тақсимлаш Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ҳал этилади.

Шунингдек, буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимиз меросини чуқур ўрганиш мақсадида ҳамда уларнинг юбилей саналари муносабати билан ҳамкор ташкилотлар томонидан муайян йўналишларда қўшимча номинациялар таъсис этилиши мумкин. Қўшимча номинациялар ҳақида маълумот ҳар йилги танловлар эълонида маълум қилинади.

4.7. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қабул қилинган қарорга шарҳ берилмайди ва ушбу қарорни муҳокама этишга йўл қўйилмайди.

V. Ғолибларни тақдирлаш

5.1. Танлов ғолиблари куйидаги тартибда тақдирланади:

Танловнинг туман (шаҳар) босқичи ғолиблари:

учта тоифада I-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири планшет, диплом ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири уяли телефон ва диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари:

учта тоифада I-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ноутбук, диплом ва танловнинг республика босқичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири планшет ва диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (50 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан;

Танловнинг Республика босқичи ғолиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири кимматбаҳо совғалар, диплом ва “Ёш китобхон” статуткаси билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири компьютер жамланмаси (моноблок), принтер (1x3), диплом ва “Ёш китобхон” статуткаси билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (200 та) китоблар жамланмаси, диплом ва “Ёш китобхон” статуткаси;

- қолган барча республика босқичи иштирокчиларининг ҳар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси, сертификат ва “Ёш китобхон” статуткаси билан тақдирланади.

5.2. Танловнинг туман (шаҳар) босқичи ғолибларига бериладиган дипломлар туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан, танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолибларига бериладиган дипломлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, танловнинг Республика босқичи ғолибларига бериладиган дипломлар эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан имзоланади.

5.3. Қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар ташкилий қўмиталар ва ҳамкор ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланади.

VI. Яқуний қондалар

6.1. Танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан молиялаштирилади.

6.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига ҳомийлик маблағларини жалб этиш мумкин.

“ЁШ КИТОБХОН” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ИШТИРОҚЧИСИ АРИЗА АНКЕТАСИ

Ф.И.Ш. _____

Тузилган йили (сана.ой, йил) _____

Миллати _____

Яшаш манзили: _____ вилоят _____ туман (шаҳри)
_____ қўчаси, _____ уй, _____ хонадон.

Тел. _____

Паспорт ёки тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома (нусхаси илова қилинади) маълумоти:

Серияси _____, рақами _____, _____ йил,
_____ томонидан берилган.

Ўқш ёки иш жойи _____

Шахсий имзо _____

Сана: _____



